

БАХТИЁР ҲАЙДАРОВ

ИНСОННОМА

ҲАЁТ

ҲАЙРАТ

ҲИКМАТ



БАХТИЁР ХАЙДАРОВ

ИНСОННОМА:

ҲАЁТ,
ҲАЙРАТ,
ҲИКМАТ

ЭССЕЛАР

ТОШКЕНТ
«ТАФФАККУР ҚАНОТИ»
2014

УЎК 821
КБК 87.6
Ҳ–19

Такризчилар:

Анвар Абдусамедов – *фалсафа фанлари доктори, профессор*;
Илҳом Аслонов – *психология фанлари номзоди*.

Ҳ–19

Ҳайдаров, Б.

Инсоннома: ҳаёт, ҳайрат, ҳикмат: эсселар / Б. Ҳайдаров.
– Т.: «Tafakkur qanoti» нашриёти, 2014. – 296 б.

ISBN: 978-9943-382-36-9

Шарқ донишмандлари инсон ҳаётини уч босқичга бўлиб, биринчи босқичида илм ўрганиш, хунар эгаллаш, иккинчи босқичида сафар-саёҳатлар қилиш, дунё кезиш, учинчи қисмида кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиш, қоғозга туширишни маслаҳат беришган. Аслида, одамзоднинг туғилиши ва яшаб ўтиши, умуман, инсоннинг ўзи бетимсол мўъжиза саналади.

Бахтиёр Ҳайдаровнинг «Инсоннома: ҳаёт, ҳайрат, ҳикмат» илмий-оммабоп тўпламини ушбу мўъжизанинг айрим қирраларини англашга бўлган интилишларнинг маҳсули, деб баҳолаш мумкин. Китобни ёзишда муаллиф жуда кўп манбалардан ва қизиқарли маълумотлардан унумли фойдаланган.

«Инсоннома»нинг муҳим жиҳати муаллифнинг инсон мавзусига фалсафий, ижтимоий, тиббий ва, ўрни келганда, диний нуқтаи назардан ёндашишидир. Ушбу асар тилининг ширадорлиги, услубининг раволиги, ёқимли юморини алоҳида таъкидлаш лозим.

УЎК 821
КБК 87.6

ISBN: 978-9943-382-36-9

© «Tafakkur qanoti» нашриёти, 2014

СЎЗБОШИ

Бир дўстим шундай савол берди: «Инсон ҳақида айтилмаган ва ёзилмаган сўз қолдимикан? Инсон – бир қатор аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг бош тадқиқот объекти ҳисобланади. Сиз-чи, инсоннинг қайси сифат ёки хусусиятларига эътиборингизни қаратмоқчисиз?»

Эҳ, Инсоннинг қайси сифатига «назар» солманг, нигоҳингиз қўним топмайди! Инсон – мўъжиза, чексизлик ичра чексизлик. Бу рисолага тартиб бериш жараёнида шунга қайта-қайта амин бўлдимки, «Биз олам, одам ва жамият ҳақида жуда-жуда оз нарса билишимизни билиш учун ниҳоятда кўп нарса билишимиз кераклигини камдан-кам одам билади...»¹

Инсон минглаб йиллардан буён ўз-ўзини англашга, ўзлигини тушунишга ҳаракат қилади. Масалан, фалсафа тарихида Одамнинг нима (ким) эканлиги ҳақида бош қотирмаган бирор донишманд йўқ. Лекин бу жараён – чексиз коинотни ўрганишдек боши-кети йўқ ҳаракатнинг худди ўзи дейиш мумкин. Негаки дунёда Одамдан-да олий, ундан-да тубан мавжудот йўқ. Бу юксаклик ва тубанлик оралиғидаги чексиз масофа эса ҳеч бир ўлчовга тўғри келмайди! (Фаранг файласуфи Блез Паскал ибораси). Инсон – бунёдкор. Яна тенги йўқ бузғунчи ҳамдир. Инсон буюк донишманд ва... унутувчи. Тўғри, олимлар ИНСОНни ечилмаган жумбоқ, деб ҳисоблашади. Қизиғи шундаки, Инсон, аввало, ўз-ўзини англамай туриб, дунёни англашга, уни «такимиллаштиришга» интилади.

Инсон ўзини била оладими? Сурати, сийратини тўла-тўқис шарҳлаб бера оладими? Жисми-жони, соғлиғи, руҳият-кайфияти, имкониятлари, хоҳиш-истаклари, орзу-ниятлари... ҳақида

¹ Қадимги ҳинд ҳикмати.

нималарни билади? Ўзининг кимлигини, яшашдан мақсадини аниқ айта оладими, йўқми? Севги-муҳаббат борми ёки у, шунчаки, бир чўпчакми? Тан олиш керакки, бу саволларга унча-мунча одам «махсус тайёргарлик»сиз жавоб бера олмайди!

Қай бир жойда ўқигандим: бир вақтлар машхур боксчи Майк Тайсоннинг нақ 75 нафар ходими бўлган экан. Яъни ўзининг ме-нежери, промоутери, бухгалтери, врач, массажчиси, психоло-ги, юристи, ошпазлари, ҳайдовчи, боғбон, энага... хуллас, жами 75 нафар жон биргина «Темир Майк»нинг ортидан тирикчилик қилади деган гап. Хулоса шуки, Тайсон фақат бир нарсани – муштлашишни қойилмақом билган. Ҳаётидаги қолган деярли барча юмушлар унинг ходимларига ҳавола. Қизиқ, агар ўшалар бўлмаганида, Тайсон – Тайсон бўлармиди?

Аслида, барча одамлар деярли шундай: Тайсончалик хо-димларимиз бўлмаса-да, ҳаётда ўзимизга юклатилган бирорта юмушни бажарамиз, муайян «роль» ижро этамиз, холос.

Будда айтмиш: «На ҳавода, на денгиз қаърида, на тоғлар кўк-сида ва на оламнинг қоронғи четида бир жой йўқким, инсон ўз қилмишлари оқибатидан қочиб, ундан нажот топса».

Хўш, унда не қилмоқ керак? Қазо ва қадарнинг ғариб асири бўлмаслик учун тафаккур ва ирода кучи кўмагида амалга ки-ришмоқ керак! Тақдирдан норизо бўлиш, умидсизлик ва «фа-лакдан шикоят» қилмоқ – оқиллар иши эмас. Бир шоир дўсти-миз шундай ёзганди: «Худо деди: «Агар мендан норози бўлсанг, ўзингга бошқа осмон топ». Алҳазар!

Қизиқувчанлик, изланиш, ўрганиш каби хусусиятлар Ярат-гувчи томонидан инсонга берилган энг улуғ неъматлардан эканлигига шубҳа йўқ. Фикримизни амалга оширмакликда иро-да қудратининг таъсири ончадирким, биз унинг воситасида энг буюк мушкулотларни-да орадан кўтаражакмиз!

Мазкур сўзбошини ёзишга киришар эканман, ёзганларим гўё баландпарвоз сўзлардан иборат бўлиб қолганга ўхшайверди. Шунинг учун иложи борича оддийроқ, соддароқ битишга ҳара-кат қилдим.

Мазкур китобни, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос сафарнома, дейиш мумкин. Бу сафар – Инсон оламига, руҳиятига, унинг ички дунёсига, ўзлигига сафардир. Бу сафар – олис ўзга сайёра-ларга қилинадиган сафарлардан-да анча мураккаб ва қизиқар-ли бўлса борки, асло кам эмас. Ўзингиз ўйланг, инсоннинг би-рор-бир тана аъзосини ўрганиш, унинг «янги қирраси»ни очиш, чунончи, феъл-атвори, муомала мароми, янгича ўқитиш услу-бияти кабиларни ишлаб чиқиш орқали одамлар турли соҳалар бўйича олимлик рутбаларини қўлга киритадилар. Шундай экан, Инсонни «тўлиғича қамраб олиш»нинг ўзи бўладими?!

Ушбу рисолаи тайёрлашда матбуот хабарлари ҳамда дониш-мандларнинг ҳикматли сўзларидан кенг фойдаланилди. ИНСОН мавзусида фалсафа, психология, тиббиёт, тарих, педагогика, статистика каби кўплаб соҳаларни қамраб олувчи маълумотлар узоқ йиллар давомида тўпланганига қарамай, уларни бамисоли денгиздан бир томчи дейиш мумкин. Ўйлайманки, улар Сиз-нинг ҳаётингизда асқотади. Айрим мулоҳазалар баҳс-мунозара-га сабаб бўлар. Шундай бўлса, камина бундан хурсанд бўламан. Чунки буюк ҳақиқатлар баҳс-мунозара воситасида туғилади.

Асосий мақсад – ҳазрати ИНСОНнинг улуғлиги, ҳаётининг бе-баҳолиги, имкониятларининг чексизлиги, дунёвий муаммолар ва изтиробларнинг арзимас ҳамда ўткинчилигини яна бир бор таъкидламоқдан иборат.

Муаллиф

**ҲАЁТ МАЪНОСИ
ВА МАҚСАД**

ЧЕКСИЗ коинотда сузиб юрган мовий сайёрамиз улкан Галактикага нисбатан гўё чанг заррасидек кичик ўлчамга эга. Боз устига, агар у Қуёшга жиндек яқинлашса – куйиб кетиши, арзимас масофага узоқлашса, дарҳол музлаб қолиши тайин. Бир ёнда тафтли-ҳароратли Қуёш, бир томон – чексиз зулмат, совуқ Коинот. Ер, шу ораликда ўз йўналишидан заррача оғишмай йўл босади. Ана шу гўзал сайёра Яратгувчи томонидан бутун инсониятга Ватан қилиб берилган.

Коинот миқёсидаги ўлчами нақадар арзимас, мавқеи қанчалик «қалтис» эканлигидан қатъи назар, Ер куррасидаги манзара бутунлай бошқача! «Хонадон соҳиби» – Ҳазрати Инсон қизгин ҳаёт билан банд. Ҳатто «тирикчилик» аталмиш жангу жадалдан бироз тин олиб, ўзининг моҳияти, дунёга келиб-кетишининг маъноси, ҳаётининг мазмун-мақсади ҳақида тузукроқ ўйлаб кўришга баъзан вақт ҳам топа олмайди.

Умар Хайём шундай ёзган:

*Мен келдим – дунё кўрдими фойда?
Кетсам, мартабаси ошарми, қайда?
Ҳеч кимса тушунтириб бера олмади:
Келиш-у, кетишим сабаби қайда?*

Маълумки, Оламнинг на боши ва на охири мавжуд – бепоён чексизлик. ЧЕКСИЗЛИКни бутун маҳобати билан «қамраб» тасаввур қилиш эса инсон ақли учун ниҳоятда мушкул ишдир. Қолаверса, инсон фазонинг бепоёнлигидан кўра, ўз-ўзини теран англаб етса, шунинг ўзи катта ютуқ бўлур эди. Фаранг

файласуфи Блез Паскалнинг куйидаги фикрларига эътибор беринг-а: «Бизда, лоақал, одам вужудининг ҳаётини тушуниш учун зарур бўлган билим ҳам оз... Вужудга жой, вақт, ҳаракат, иссиқлик, ёруғлик, овқат, сув, ҳаво ва яна кўп нарса керак. Табиатда эса ҳамма нарса ўзаро шундай боғлиқки, бирор нарсани, бошқа бировини ўзлаштирмай туриб, ўрганиб бўлмайди... Ўз вужудимиз ҳаётини, фақат унга зарур нарсаларнинг ҳаммасини ўрганибгина, тушунишимиз мумкин. Бунинг учун эса бутун борлиқни ўзлаштириш керак. Лекин борлиқ чексиз ва уни ўзлаштириш одам учун мумкин бўлмаган ҳолдир. Демак, бизлар ўз вужудимиз ҳаётини ҳам тўлиқ тушуниб етолмаймиз».

Инсон фитратан ожиз ва заифдир. Одамзоддаги бу ожизликни кўпгина алломалар ҳам эътироф этганлар. Масалан, яна бир машҳур фаранг ёзувчиси Монтанг: «Нақадар доно, билимдон бўлишни истасак-да, охир-оқибат инсонмиз. Инсондан ҳам ночор, ожиз яна нима бор?!» – дея хитоб қилади. Донишманд шоиримиз Усмон Азимнинг сўзлари бунга ҳамоҳанг: «Дунёни кўрдим: ичида одамзод – чала иморат...»

Шу ўринда, бу заифлик қандай маънода эканини англаб олиш муҳим. Зеро, инсон ўзида заифлик ҳолатини Яратгувчига нисбатан ҳис қилгандагина, бир маъно касб этади. Акс ҳолда, у умидсизлик, тушкунлик ва ғам-қайғунинг уяси бўлиб қолади. Ана шу маънода инсон ўзининг заифлигини англаб етиши катта фазилатдир. Кибрланиш эса жоҳиллик ва тушунмасликдан келиб чиқади. Ўзини билган киши камтарин ва тавозеъли бўлади. Шунинг учун ҳам инсоният ўзини – «чала иморат»ни бутлаш учун доимо комилликка интилади.

Тўғри, Ерда кўп нарса чекланган, масалан, жонзотларнинг умри, жисмоний ва ақлий имкониятлари, «сабр косаси»нинг сифими, табиий захиралар, ер майдони, сув, ҳаво...

Инсонга оид айрим нарсаларнинг эса чеки-чегараси йўқдек. Масалан, ўй-хаёллар, орзу-истаклар, нафс. Аммо буларнинг

учаласига ҳам эрк бериб бўлмайди. Чунки дунёдаги ҳамма бойликларни бир жойга тўплашнинг мутлақо имкони, қолаверса, фойдаси ҳам йўқ.

Шунингдек, инсон эгаллаши керак бўлган илмлар ҳам чексиздир. Бойлик тўплашга ҳаддан ташқари интилиш доимо салбий баҳоланади. Илм эгаллашга ҳар қанча жидду жаҳд қилиш эса, ижобий ҳодисадир. Шунинг учун ҳам, дейлик, «бойлик васвасаси» деган салбий ибора мавжуд, аммо «илм васвасаси» деган тушунчанинг ўзи йўқ. Чунки БИЛИМ – Одам ҳаётда эга бўлиши мумкин бўлган энг яхши нарсадир. Буюк аллома бобомиз Абу Райҳон Беруний ҳатто ўлим тўшагида ётганида ҳам қандайдир бир илмий масаланинг ечимини излаб, бош қотирган экан. Шунда бир шогирди: «Ҳозир бунинг мавриди эмаску», – деган маънода гапирганида, аллома шундай дейди: «мен бу масалани билмай ўлганимдан кўра, билиб ўлганим яхшироқ эмасми?»

Юқорида: «Илм – чексиздир», – дедик. Шу сабабли беҳисоб илм чўққиларини ҳарчанд забт этмайлик, билганларимиз билмаганларимиз олдида заррадек бўлиб қолаверади. Имоми Аъзам ҳазратлари: «Билмаган нарсаларимни оёғим остига қўйганимда бошим кўкка етарди», – деган эканлар.

ИНСОН – бу ёруғ дунёнинг азизу мукаррам хилқати, ҳаёт гултожи, жонзотлар ичида сарвари. Аллоҳ таоло бандасини яратаётганида: «Менинг ердаги халифам (ўринбосарим) бўлади», – деб улуғлаган. Одамзод шундай мўътабар шарафга мурассарлиги учун кадр-қиммати эъзозу эҳтиром этиб келинади.

Инсон ҳаётга бир марта келади, яшайди, камолга етади, меҳнат-машаққатлар билан бахт-саодатини яратади, одамларнинг ҳам, ўз умрини ҳам яшнатади, яхшими-ёмонми хотира-ёдгорликлар қолдириб, охири дорилфанодан дорилбақога мангу рихлат қилади.

Дунёда махлуқотлар жуда кўп. Ҳар бири Аллоҳ буюрган вазифани адо этади. Яратгувчи ҳар бир жонзотга ўзига яраша умр, ризк, ватан берган. Насл қолдириш имкониятини ато

этган. Қуёш шарқдан чиқиб, ғарбга ботади, ой кечани ойдин қилади. Шунингдек, инсоннинг бу ёруғ дунёга келиши ва яшашида мақсад, моҳият ва бекиёс ҳикмат бор.

Хулоса шуки, инсон бу ҳаётда ИНСОНдек яшамоғи шарт! Инсоннинг умри – унинг орзу-истаклари ижобатидан иборат. Фақат биз айнан нималарни хоҳлашимизни тўғри англай олесак бас. Борлиқ-табиатга ибрат назари билан боқсак, бу дунёдаги ҳамма нарса Инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун яратилганига амин бўламиз. «Табиат – ҳар бир саҳифаси ҳикматларга лиммо-лим тўлиқ бўлган буюк китобдир». (*Гёте*) Бу китоб – Инсонга аталган.



Хафақон дардига йўлиққан файласуф дарс бошлади:

– Инсон коинот ҳокими. Бутун борлиқ...

Шаддод талаба гапни бўлди:

– Кечирасиз-у, ўз қон босимига ҳоким бўлолмаган инсон қандай қилиб коинотга ҳоким бўлсин?!

ИНСОН ФЕЪЛИ – МУРАККАБ НАРСА...

Дунёнинг ҳамма сирининг тағига этиши мумкин, лекин Инсон деган жумбоқнинг тағига этиб бўлмайди.

ОЗОД ШАРАФУДДИНОВ

«Аввал ўзингни англа, шунда дунёни англайсан», – дейишган машойхлар. Бу фақат айтишгагина осон иш! Ундан кўра, ракета ясаб коинотга учиш, бедаво дардларга шифо топиш, ДНК сирларини очмоқ анча осон экан. Чунки Инсон аллақачон бундан-да мураккаброқ синоатларни ечди, аммо ўзини ҳамон тўлиқ англай олгани йўқ.

Одамнинг моҳияти, феъл-атвори, айрим хатти-ҳаракатлари ҳақидаги саволлар олимларни (олимлар ҳам одам-да!) ҳамон ўйлантирмоқда...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/121> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/121> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/121>